

ЭЛЕКТРОН АУКЦИОН САВДОЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Сайдрахимова Ирода Сайдумаровна

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси Прокурорлик фаолияти магистратура тингловчиси

Аннотация: Жаҳонда глобаллашув жараёнлари кучайиб бораётган ҳозирги даврда, дунёдаги ҳеч қандай давлат барча соҳаларда тўлиқ рақобатлаша олмаяпти. Шу сабабли, ҳар бир мамлакат ўзининг ноёб рақобатбардошлик моделини шакллантирмоқда. Натижада, давлатлар энг динамик ва истиқболли ички имкониятларга эга бўлган соҳаларда муваффақиятга эришмоқда. Рақобатбардошликни таъминлашнинг муҳим омилларидан бири - бизнесни рақамлаштириш жараёнларига самарали интеграциялашиш учун қулай шароитлар яратишдир. Мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлиги аниқ макроиқтисодий табиатга эга. Бугунги иқтисодий ривожланиш даврида, давлатнинг рақобатдошлигини таъминлаш нафақат жаҳон бозоридаги мавқеини белгиловчи, балки унинг миллий хавфсизлигини ҳам аниқлаб берувчи стратегик масалага айланган.

Таянч сўзлар: Электрон аукцион, давлат харидлари, қонунбузилиш, рақамлаштириш, иқтисодий ривожланиш.

The Heritage Foundation халқаро тадқиқот институтининг 2024 йилги маълумотларига мувофиқ Ўзбекистоннинг иқтисодий эркинлик қўрсаткичи 55,9 баллни ташкил этиб, у дунё рейтингида 103-ўринни ва Осиё-Тинч океани минтақасида 20-ўринни эгаллаган. Ушбу қўрсаткичларга асосан, аҳоли сони: 34.9 миллион, ЯИМ: 339.8 миллиард доллар, аҳоли жон бошига ЯИМ: 9,634 доллар ва тўғридан тўғри хорижий инвестициялар миқдори 2.5 миллиард долларни ташкил этган.

Жумладан, ҳисоботда Ўзбекистоннинг рақобатбардош бозор иқтисодиётини ривожлантириш учун муҳим ислоҳотларни амалга ошираётгани, иқтисодий эркинликни ошириш ва янада очиқлик ҳамда модернизацияга ўтиш сиёсатини қабул қилгани таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг интернетдаги расмий веб сайтида келтирилган статистик маълумотларга кўра, 2025 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, Қўмита томонидан жами 23 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилган бўлса, 25 867 маротаба давлат харидлари жараёни ўрганилган, шундан жами 21 574 та давлат харидлари ва танлов савдолари жараёнларида қонунбузилиш ҳолатлари аниқланганлиги қайд этилган⁸⁸.

⁸⁸ <https://raqobat.gov.uz/uz/qo-mita/>

Ўзбекистон республикасида электрон аукцион савдолари қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда идоравий норматив-хуқуқий хужжатлар билан тартибга солинади.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 январдаги 18-сон қарори билан тасдиқланган “«E-auksion» электрон савдо платформасида электрон онлайн-аукцион ва танловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низоми мавжуд бўлиб, ушбу Низом «Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш» акциядорлик жамияти томонидан «E-auksion» электрон савдо платформасида электрон онлайн-аукцион ва танловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартибини белгилайди.

Шунингдек, Низом орқали аукционни ўтказилмаган деб топиш ва такорий аукционни ўтказиш тартиби, ҳисоб-китоб қилиш ва аукцион натижаларини расмийлаштириш, ижро хужжатлари бўйича объектларни электрон онлайн-аукционга чиқариш ва сотишнинг ўзига хос хусусиятлари, ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хуқуқини савдо платформасида сотишнинг ўзига хос хусусиятлари, танлов натижаларини расмийлаштириш ва ҳисоб-китоб қилиш, лотни аукциондан (танловдан) қайтариб олиш тартиби ва муддатлари, ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби каби масалалар ҳам ўз ечимини топган.

Унга кўра, аукцион ёки танлов очиқ ёхуд ёпиқ шаклда ўтказилиши мумкин бўлиб, ёпиқ аукцион ёки танловда савдо платформаси орқали тақдим этилган рўйхатда мавжуд юридик ва жисмоний шахслар иштирок этиш хуқуқига эга.

Миллий қонунчилигимизга назар ташлайдиган бўлсак, электрон-аукцион савдолари ёки бошқа танловларни ўтказишнинг қонунчиликда белгиланган тартибини бузиш каби хатти-ҳаракатлар учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик мавжуд эмаслигини кўришимиз мумкин.

Электрон-аукцион савдолари ёки бошқа танловлар ўтказиш тартибининг бузилиши учун муайян жавобгарликнинг мавжуд эмаслиги қўйидагicha иқтисодий ва ижтимоий-хуқуқий салбий оқибатларга олиб келиши мумкин:

давлат маблағларининг самарасиз сарфланиши - электрон аукцион соҳасида назорат ва жавобгарликнинг йўқлиги давлат харидларида нархларнинг сунъий равишда оширилишига ва бунинг натижасида эса давлат бюджетига катта зарап этишига олиб келади;

рақобатнинг бузилиши - ҳалол иштирокчилар учун тенг бўлмаган шартшароитлар яратилади, бу эса бозорнинг нормал фаолиятига тўсқинлик қиласи;

инвестицион жозибадорликнинг пасайиши - шаффоф ва адолатли савдо механизmlари мавжуд эмаслигини кўрган хорижий инвесторлар мамлакатга сармоя киритишдан бош тортиши мумкин;

коррупция даражасининг ошиши - жавобгарлик йўқлиги коррупцион схемаларнинг ривожланишига қулай шароит яратади;

ижтимоий адолатсизликнинг кучайиши - савдо ғолибларининг адолатсиз аниқланиши жамиятда ишончсизлик ва норозилик кайфиятларини келтириб чиқариб, бир соҳадаги жазосизлик муҳити бошқа соҳаларга ҳам таъсир кўрсатиши мумкин;

тизимли ислоҳотларга тўсқинлик - жавобгарлик механизмларининг мавжуд эмаслиги бутун давлат харидлари тизимидағи ислоҳотларнинг самарадорлигини пасайтиради;

Хусусан, электрон-аукцион қоидаларини бузганлик учун жавобгарликнинг йўқлиги нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ва ҳуқуқий соҳаларда ҳам чуқур салбий оқибатларга олиб келгани ҳолда, мамлакатнинг узоқ муддатли ривожланиш истиқболларига зарар етказиши мумкин.

Бундан ташқари, диссертация доирасида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, “Электрон-аукцион савдолари ёки бошқа танловларни ўтказишнинг қонунчиликда белгиланган тартибини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланишига муносабатингиз?” деган саволга респондентларнинг 78 фоизи “розиман”, 14 фоиз қисми “қаршиман”, қолган 8 фоизи эса “бетарафман” дея ўз позицияларини билдириб ўтганлар.

Хусусан, электрон-аукцион савдолари ёки бошқа танловларни ўтказишнинг қонунчиликда белгиланган тартибини бузганлик учун жавобгарлик масаласида хорижий олимларнинг фикрларини таҳли қилас эканмиз, давлат харидлари бўйича профессор Кристофер Юинг ўзининг “Corruption and Collusion in Procurement: Fighting the Hidden Threat to Development” номли тадқиқотида таъкидлайдики, “Электрон аукционлар орқали давлат харидларини амалга оширишдаги қонунбузарликларга нисбатан жиноий жавобгарликни қўллаш, афсуски, барча мамлакатларда ҳам самарали эмас. Бу нафақат ривожланаётган, балки ривожланган мамлакатларда ҳам муаммо бўлиб қолмоқда”⁸⁹.

Шунингдек, Йель университети ҳуқуқ мактаби профессори Сьюзан Роуз-Акерманнинг фикрича, “Электрон харидлар тизимидағи қонунбузарликлар учун жавобгарлик ҳар бир мамлакатнинг қонуний тизими ва бозор тузилишига боғлиқ. Самарали жазо механизми нафақат жиноят ҳуқуқи, балки маъмурий чоралар ва фуқаролик жавобгарлигини ҳам ўз ичига олиши керак”⁹⁰.

Бундан ташқари, Олинта Массонэтнинг қайд этишича, “Электрон аукцион бузилишларини аниқлаш учун электрон мониторинг тизимлари ва алгоритмларнинг ривожланиши, жавобгарликни белгилашнинг муҳим таркибий қисмидир. Техник имкониятларсиз, қонун бузилишини аниқлаш қийин бўлади”⁹¹.

⁸⁹ Yueng, Christopher. "Corruption and Collusion in Procurement: Fighting the Hidden Threat to Development." Oxford University Press, 2022, p. 127.

⁹⁰ Rose-Ackerman, Susan. "Corruption and Government: Causes, Consequences, and Reform." 2nd Edition, Cambridge University Press, 2021, p. 215.

⁹¹ Massonet, Olinta. "Electronic Procurement Systems: Technology as an Anti-corruption Tool." Journal of Public Procurement, Vol. 18, Issue 2, 2023, pp. 156-178.

Кристофер Маккруден ўз асарида “Давлат харидлари қонунчилигини, жумладан электрон аукционлар тартибини бузганлик учун жавобгарликнинг жорий этилиши, қонунчиликнинг таъсиранлигини ошириш учун асосий шарт” эканлигини таъкидлайди⁹².

Жумладан, Роберт Андерсоннинг қайд этишича, “Электрон аукционлар билан боғлиқ қонунбузарликларни жазолаш тизимини ишлаб чиқишда ҳар бир мамлакат ўз шароитларини ҳисобга олиши керак, бироқ халқаро стандартларни ҳам эътиборга олиш муҳим”⁹³.

Шундай экан, электрон аукционлар ва давлат харидлари тизимидағи қонунбузарликларга қарши кураш фақатгина жиной жавобгарлик билангина чекланмаслиги керак. Самарали тизим маъмурий чоралар ва фуқаролик жавобгарлигини ҳам ўз ичига олиши лозим.

Шу билан бир қаторда, қонунбузарликларни аниқлаш учун замонавий технологиялар, электрон мониторинг тизимлари ва маҳсус алгоритмлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, жавобгарлик чораларини белгилашда ҳар бир давлатнинг ўзига хос хусусиятлари, қонунчилик тизими ва бозор тузилиши инобатга олиниши керак, бироқ халқаро стандартларга мослашиш ҳам муҳим аҳамият касб этади

Электрон аукционлар тизимидағи қонунбузарликлар нафақат ривожланаётган, балки ривожланган мамлакатларда ҳам муаммо бўлиб қолмоқда, бу эса глобал миқёсда ёндашувни талаб этади.

Шундай экан, жавобгарлик чораларининг самарали қўлланилиши умуман давлат харидлари қонунчилигининг таъсиранлигини оширишга хизмат қиласди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий-жавобгарлик тўғрисидаги кодексига электрон-аукцион савдолари ёки бошқа танловларни ўтказишнинг қонунчиликда белгиланган тартибини бузиш натижасида мулк эгасига, савдо ёки аукцион ташкилотчисига, харидорга ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлган хатти-ҳаракатлар учун жавобгарлик белгиловчи нормани киритиш таклиф этилади.

REFERENCES:

1. Yueng, Christopher. "Corruption and Collusion in Procurement: Fighting the Hidden Threat to Development." Oxford University Press, 2022, p. 127.
2. Rose-Ackerman, Susan. "Corruption and Government: Causes, Consequences, and Reform." 2nd Edition, Cambridge University Press, 2021, p. 215.

⁹² McCrudden, Christopher. "Buying Social Justice: Equality, Government Procurement, and Legal Change." Oxford University Press, 2020, p. 289.

⁹³ Anderson, Robert. "Government Procurement Provisions in Regional Trade Agreements: The Challenges of Market Access and Domestic Policy." Journal of International Economic Law, Vol. 17, No. 3, 2022, pp. 487-509.

3. Massonet, Olinta. "Electronic Procurement Systems: Technology as an Anti-corruption Tool." *Journal of Public Procurement*, Vol. 18, Issue 2, 2023, pp. 156-178.
4. McCrudden, Christopher. "Buying Social Justice: Equality, Government Procurement, and Legal Change." Oxford University Press, 2020, p. 289.
5. Anderson, Robert. "Government Procurement Provisions in Regional Trade Agreements: The Challenges of Market Access and Domestic Policy." *Journal of International Economic Law*, Vol. 17, No. 3, 2022, pp. 487-509.